



## ТАННАРХ КАЛЬКУЛЯЦИЯСИНИ ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАР АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Джуманов Саитмурод Алимбекович

Тошкент давлат иқтисодиёт университети мустақил изланувчиси

**Аннотация.** Ушбу тезисда маҳсулот таннархини калькуляция қилишни замонавий усуллар асосида такомиллаштириш масалалари ёритилган. Хусусан, ишлаб чиқариш харажатларини тўғри гуруҳлаш, уларни ўзгарувчан ва доимий турларга ажратиш ҳамда замонавий бошқарув ҳисоб тизимларидан фойдаланиш орқали таннархни аниқлаш усуллари таҳлил қилинган. Шунингдек, “директ-костинг”, “стандарт-костинг” каби усулларнинг афзалликлари ва уларни амалиётда қўллаш имкониятлари кўриб чиқилган. Тадқиқот натижасида таннархни ҳисоблаш жараёнини такомиллаштириш орқали корхона молиявий натижаларини яхшилаш имконияти мавжудлиги асослаб берилган.

**Калит сўзлар:** таннарх, калькуляция, харажатлар, директ-костинг, стандарт-костинг, бошқарув ҳисоби, замонавий усуллар.

### Кириш

Бугунги кунда иқтисодиётини эркинлаштириш шароитида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини самарали ташкил этиш ва рақобатбардошликни таъминлашда маҳсулот таннархини тўғри ҳисоблаш муҳим аҳамият касб этмоқда. Таннарх корхона фаолиятининг асосий иқтисодий кўрсаткичларидан бири бўлиб, у фойда даражаси, нарх сиёсати ва умумий молиявий барқарорликка бевосита таъсир кўрсатади. Шу сабабли таннархни ҳисоблаш ва унинг калькуляция усулларини такомиллаштириш масаласи долзарб илмий ва амалий йўналиш сифатида қаралмоқда.

Замонавий иқтисодий шароитларда ишлаб чиқариш жараёнларининг мураккаблашуви, ресурслар нархининг ўзгарувчанлиги ҳамда рақобат муҳитининг кучайиши корхоналардан харажатларни аниқ ҳисоблаш ва уларни самарали бошқаришни талаб этмоқда. Шу нуқтаи назардан, анъанавий ҳисоблаш усуллари билан бир қаторда замонавий бошқарув ҳисоб тизимлари, хусусан “директ-костинг” ва “стандарт-костинг” каби усулларни жорий этиш зарурати пайдо бўлмоқда. Бу усуллар харажатларни тўғри таснифлаш ва қарор қабул қилиш жараёнини енгиллаштиради.

Шу билан бирга, мамлакатимизда иқтисодиётни эркинлаштириш ва корхоналар фаолиятига бозор механизмларини кенг жорий этиш бўйича амалга оширилаётган ислохотлар таннарх ҳисобини такомиллаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратишни талаб этмоқда. Замонавий ҳисоб усулларини амалиётга татбиқ этиш орқали корхоналарда ресурслардан самарали фойдаланиш, харажатларни оптималлаштириш ва молиявий натижаларни яхшилаш имконияти кенгайди.

### **Асосий қисм**

Маҳсулот таннархнини калькуляция қилишни такомиллаштириш масаласи бугунги кунда бошқарув ҳисоби тизимининг энг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Чунки таннархни тўғри аниқлаш корxonанинг фойдаси, нарх сиёсати ва рақобатбардошлигига бевосита таъсир кўрсатади. Шу сабабли харажатларнинг иқтисодий мазмунини чуқур таҳлил қилиш ва уларни замонавий усуллар асосида ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакатимиз олими А.Х.Пардаев ўз ишларида “таннархни бошқарув ҳисобининг марказий кўрсаткичи сифатида қараб, харажатларнинг тўғри таснифланиши бошқарув қарорларининг сифатига таъсир қилишини таъкидлайди. Унинг фикрича, харажатларни ўзгарувчан ва доимий гуруҳларга ажратиш орқали корхона фаолияти натижасини аниқроқ баҳолаш мумкин”. [3] Шунингдек, олим Б.А.Хасанов ““директ-костинг” тизими орқали маржинал даромадни аниқлаш ва шу асосда тезкор бошқарув қарорларини қабул қилиш имконияти яратилишини илмий жиҳатдан асослаб берган. [4]

Замонавий усуллардан бири ҳисобланган “стандарт-костинг” тизими ҳам мамлакатимиз иқтисодчи олимлари томонидан кенг ўрганилган. Жумладан, Ш.Ш.Шерматов “харажатларни олдиндан белгиланган меъёрлар билан солиштириш орқали ортиқча сарфларни аниқлаш ва уларни камайтириш имконияти мавжудлигини қайд этади”. [5] Бу усул корхоналарда харажатлар устидан назоратни кучайтиришга хизмат қилади.

Халқаро амалиётда таннархни ҳисоблашнинг замонавий усуллари кенг қўлланилади. Хусусан, “директ-костинг” тизимида фақат ўзгарувчан харажатлар маҳсулот таннархига киритилиб, доимий харажатлар даврий харажат сифатида ҳисобга олинади. Бу ёндашув корхона раҳбариятига маҳсулот ҳажми, нархи ва фойда ўртасидаги боғлиқликни тезкор таҳлил қилиш имконини беради. Шунинг учун ҳам ушбу тизим бошқарув қарорларини қабул қилишда муҳим восита ҳисобланади.

Бундан ташқари, таннархни шакллантиришда ресурслардан самарали фойдаланиш, ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш ҳамда амортизация сиёсати ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон иқтисодиётида амалга оширилаётган ислохотлар шароитида корхоналарда харажатларни оптималлаштириш ва замонавий ҳисоб усулларини жорий этиш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

### **Таҳлил**

Таннархни калькуляция қилиш амалиётини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, корхоналарда харажатларни ўзгарувчан ва доимий турларга ажратиш орқали молиявий натижани аниқроқ баҳолаш имкони кенгайди. Ўзгарувчан харажатлар ишлаб чиқариш ҳажмига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлиб, маҳсулот кўпайган сари улар ҳам ортиб боради. Доимий харажатлар эса маълум давр ичида нисбатан ўзгармас бўлиб, уларнинг маҳсулот бирлигига таъсири ишлаб чиқариш ҳажмига қараб ўзгаради. Шу жиҳатлар таннархни бошқарув таҳлилида тўғри ҳисоблашни талаб қилади.

Таҳлил натижалари шуни ҳам кўрсатадики, “директ-костинг” ва “стандарт-костинг” каби замонавий усуллар таннархни аниқлашда самарали восита бўлиб

хизмат қилади. Ушбу усуллар орқали харажатлар устидан назорат кучаяди, ортиқча сарфлар аниқланади ва корхона фаолиятида тежамкорлик тамойиллари шаклланади.

### **Натижа**

Таннархни замонавий усуллар асосида калькуляция қилиш корхоналарнинг молиявий барқарорлигини оширишга хизмат қилади. Харажатларни тўғри таснифлаш ва уларни тизимли ҳисобга олиш орқали маҳсулот таннархи аниқроқ шаклланади, бу эса фойда даражасини тўғри прогноз қилиш имконини беради.

Шунингдек, замонавий ҳисоб усулларини жорий этиш орқали корхоналарда бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёни тезлашади ва самарадорлик ортади. Бу ҳолат рақобат шароитида корхона барқарорлигини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

### **Хулоса**

Таннарх калькуляциясини замонавий усуллар асосида такомиллаштириш хўжалик юритувчи субъектларда молиявий натижаларни тўғри шакллантириш ва бошқарув қарорларини самарали қабул қилишда муҳим аҳамиятга эга. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, анъанавий ҳисоб-китоб усуллари айрим ҳолатларда реал харажатларни тўлиқ акс эттирмайди, шу сабабли замонавий усуллар — хусусан “директ-костинг”, маржинал таҳлил ҳамда харажатларни функционал гуруҳларга ажратиш усуллари — таннархни аниқроқ ҳисоблаш имконини беради. Бу эса маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми, сотиш нархи ва фойда ўртасидаги ўзаро боғлиқликни аниқ баҳолашга хизмат қилади.

Шунингдек, таннарх калькуляциясини такомиллаштириш орқали хўжалик юритувчи субъектларда харажатларни оптималлаштириш, ортиқча сарфларни камайтириш ва ресурслардан самарали фойдаланиш имконияти кенгаяди. Натижада хўжалик юритувчи субъектнинг рақобатбардошлиги ошади ҳамда бозор шароитида барқарор молиявий фаолиятни таъминлашга эришилади.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонуни – 2016 йил 13 апрель.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 54 сон қарори. – 1999 йил 5 февраль.
3. Пардаев А.Х. Бошқарув ҳисоби. – Тошкент: Иқтисодиёт, 2012.
4. Хасанов Б.А. Бошқарув ҳисоби: назария ва услубиёт. – Тошкент: Молия, 2003. – 248 б.
5. Шерматов Ш.Ш. Ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби ва таҳлили. – Тошкент: Иқтисодиёт, 2015.